



2019 yil "16" fevral № 616

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналар, кишлок хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3699-сон Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда; 2015 й., 30-сон, 402-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6, 25-моддалари (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон) ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, (тумандаги Мудофаа ишлари бўлими, Ички ишлар бўлими, Миллий хавфсизлик хизматидаги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги кишлок хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини 1-иловага мувофиқ 2019 йил учун техник кўриқдан ўтказилсин;

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун йиллик техник кўриқдан ўтказиш учун туман ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўриқдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Фарғона вилоят бошқармаси Ўзбекистон туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирларини назорат қилиш шўъбаси катта инспектори **О.Қосимовга** юклатилсин.

5. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2018 йил 24 январдаги 129-сонли «Тумандаги қишлоқ хўжалик ва меолиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ.Джураев



Ўзбекистон туман хокимининг 2019
йил « » даги _____
сонли қарорига _____ ИЛОВА

**Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, ташкилот,
фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелiorатив техникани,
машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг
асбоб-ускуналарини 2019 йил учун техник кўриқдан ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Худудлар ва ММТПлар номи	Техник кўриқдан ўтказиш муддати	Эслатма
1.	Янгиобод маштехсерви МЧЖ	20.02.2019	
2.	Ғ.Ғулом ММТП	21.02.2019	
3.	Намуна ММТП	22.02.2019	
4.	Қаюмжонобод ММТП	23.02.2019	
5.	Пахтақайнар ММТП	26.02.2019	
6.	Муқимий ММТП	27.02.2019	
7.	Сохибқор ММТП	27.02.2019	
8.	С.Азизов ММТП	28.02.2019	
9.	А.Ниёзов ММТП	28.02.2019	
10.	Ғаниобод ММТП	28.02.2019	
11.	Бозорбоши ММТП	28.02.2019	
11.	Қишлоқхўжалиққимё	28.03.2019	
12.	Фермер хўжалиқлар жами	04.03.2019-15.03.2019	
13.	Шахсий фуқаролар жами	16.03.2019-28.03.2019	
14.	Қўқон йўл таъмир МЧЖ	29.03.2019	
15.	Шўрсув Цемент МЧЖ	02.04.2019	
16.	Цемент хом ашё МЧЖ		
17.	Водийгазтаъминот Ўзбекистон туман бўлими	03.04.2019	
18.	Туман ирригация бўлими	04.04.2019	
19.	Бошқа ташкилотлар	Муддати келган вақтида	

Ўзбекистон туман хокимининг 2019
йил « _____ » _____ даги _____ -
сонли қарорига 2-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари,
устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун
йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун туман йиғчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

№	Исми ва фамилияси	Лавозими
1	О.Қосимов	Ўзбекистон туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори:
	Аъзолари	
2	Д.Қодиров	Туман хокими ўринбосари
3	Х.Бегалиев	Янгиобод маш тех сервис директори
4	М.Тиллабоев	Янгиобод маш тех сервис МЧЖ МТП устaxonа мудири
5	А.Пўлатов	Намуна ММТП механиги